

# Халқ сўзи


Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 14 июль, № 137 (4290)

Шанба



## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Каттаю кичик шаҳарлар кўрки, қисфасини таъминловчи турфа омилар мавжуд. Ана шулардан бири — жамоат транспорти. Зеро, равон кўчалардан қатнаётган сўнги русумдаги транспорт воситалари, уларнинг шина ва озода салонлари, ҳайдовчиларнинг хушмуомалалиги, саришта бекатлар шаҳар файзига файз қўшади.



ISUZU:

## ИЎЛГА ФАЙЗ, ИЎЛОВЧИГА РОҲАТ

Пойтахтимизнинг кейинги йилларда янги-янги иншоотлар ҳисобига чирой очиб бораётгани ҳамнинг кўз ўнгиде. Кўчалардаги барча кулайликлар муҳайё этилган "ISUZU" автобуслари Тошкент жамолига уйғунлашиб кетмоқда десак, муболага бўлмас. "Тошхажартрансхизмат" уюшмаси тасарруфидеги бу автобуслар пойтахтликлар ва унинг меҳмонларига ниҳоятда маъқул бўлмоқда. Бундай транспорт воситаларида нафақат кўзлаган манзилгизга боришингиз, балки пойтахт бўйлаб роҳатбахш сайрга чиқишингиз мумкин. — Замонавий автобусларда ишлашнинг ўзи кишига ҳузур бахш этади, — дейди 37-йўналиш ҳайдовчиси Равшан Умматқулов. — Йўловчилар биз билан хайрлашаётганда аввал раҳмат айтиб, сўнг: "Шундай кулайликлар учун миннатдорчилигимизни раҳбарларингизга етказиб қўйинг" дейишганида чарчоғимиз унут бўлади.

Сандолим ҲАЙДАРОВ.  
СУРАТЛАРДА: пойтахт жамоат транспорти ҳаётидан лавҳалар.  
Темур ҚУРБОНОВЕВ олган суратлар.

## ЖАН-КЛОД РИШАР:

# «ЎЗБЕКISTON — МЕНИНГ ИККИНЧИ ВАТАНИМ»

Франция пойтахтида Абу Али ибн Сино мероси бағишланган «X-XX асрлар Фарб санъатида Ибн Сино тисоли» мавзусидаги илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман ушбу мамлакатнинг «Авиценна-Франс» уюшмаси томонидан Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонаси кўмағида ташкил этилди. Унда уюшма аъзолари, франциялик кўзга кўринган шарқшунос-олим ва археологлар, илм-фан ва маданият арбоблари, кенг жамоатчилик ҳамда дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Йиғилганларга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, халқимизнинг маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, жумладан, жажон илм-фани ривожига бебаҳо ҳисса қўлган Шарқнинг буюк олими Абу Али ибн Сино хотирасини абадийлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар хусусида атрафична маълумот берилди.

Конференцияда санъатшунос-олим Эрик Обер ҳамда «Авиценна-Франс» уюшмаси президенти Марк Боннель ўз илмий маърузаларини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилди. Франциялик тадқиқотчи-лар Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти, буюк мутафаккирнинг тиббиёт соҳасида амалга оширган тадқиқот ва кашфиётлари ҳақида фикр юрди.

Э.Обер, жумладан, Франция миллий кутубхонаси архивда сақланаётган кўлем ва бошқа қадимий ҳужжатларнинг фото слайдларидан фойдаланган ҳолда Ибн Сино ҳаётининг энг ёрқин ва диққатга сазовор жиҳатлари ҳақида сўзлаб берди. У, хусусан, буюк бобокалонимиз терапия, ташвиш қўйиш, доришунослик каби соҳаларда муваффақиятли излашларни амалга оширган тўғрисидаги ҳужжатли далиллари тақдим этди. «Ўз фаолиятида эришган улкан ютуқлари учун Ибн Сино Фарбда «Илм-фан қироли», деган сарафли номга сазовор бўлган», — деди Э.Обер.

«Авиценна-Франс» уюшмаси президенти М.Боннель Европада Ибн Сино меросини ўрганиш ва оммалаштиришнинг муҳимлигига эътибор қаратди. «Бу, айниқса, таълим тизимини такомиллаштириш, ёшларни юксак маънавий ва ахлоқий меъзолига асосида тарбиялаш, динлараро бағрикенглик қадриятлари ва таъмоилларини қарор топтириш, маданиятлараро мулоқот ва маданий ранг-барангликни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади», — деди у.

Француз олими ўз маърузасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан Ибн Синонинг бой илмий меросини асраб-авайлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида гапириб ўтди. У, шунингдек, Фарб илм-фани вақолидаги буюк бобокалонимизнинг ҳаёти ва фаолияти, Шарк ва Фарб олимлари ўртасидаги ўзаро алмашинувларни ривожлантириш ҳамда Ибн Сино ғояларининг жаҳон тиббиётига кўрсатиб келаятган таъсирига ўрганишга катта қизиқиш билдираётганини айтиб ўтди.

М.Боннель конференция иштирокчиларига ўзи раҳбарлик қилган уюшма томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда келажакдаги режалар хусусида сўзлаб берди. Маърузачи Хоразм вилоятидаги Қўшқўл лицейи билан Парижнинг Софи Жермен лицейи ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилиш ҳамда Афсонадаги Ибн Сино музейини қайта таъмирлаш муҳим эканлигига ургу берди.

Маърузалардан сўнг иштирокчилар ўртасида баҳо-мунозаралар, фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари, хусусан, Париж яқинида қойилган Собини шаҳридаги Авиценна номи билан аталувчи шифохона профессори Жан-Жак Руссе, шифокор-жарроҳ Шайх Туамм, «Темурйўллар даври санъати ва тарихини ўрганиш» уюшмаси президенти профессор Люсьен Керен, «Авиценна-Франс» уюшмаси Бош котиб Алике Хусайн, Франциянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Жан-Клод Ришар Ибн Синонинг илм-фан ва маданият тарқатишдаги беқиёс хизматларини таъкидлаб ўтди. Буюк мутафаккирнинг илмий ишлари ва кашфиётлари жаҳон илм-фани ривожига зўр туртки бергани қайд этилди.

«Авиценна-Франс» уюшмаси раҳбарининг таъкидига кўра Франциянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Ж.-К.Ришар мазкур ташкилотнинг вице-президенти этиб сайланди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлган суҳбатда жаноб Ришар, жумладан, шундай деди: «Мен Ўзбекистонда элчи сифатида 1995-2000 йиллар давомида фаолият юритганман. Мен учун иккинчи Ватан бўлиб қолган бу аjoyиб мамлакатни ҳеч қачон унутмайман. Узининг бетақор манзаралари, бой маданий мероси, маҳобатли меъморий ёдгорликлари, меҳмондўст халқи билан ажралиб турадиган мўъжизавий бир юрtdир. Ўзбекистон тўғрисидаги таассуротлар қалбимда умрбод сақланади.

Ташкент ИSECO ташкилоти томонидан 2007 йилдаги ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинган муносабати билан Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини чин юракдан табриқлайман. Тошкент — кўп миллионли аҳолига эга бўлган гўзал шаҳар. У дунёнинг турли бурчларидан келувчи сайёҳларни лол қолдирадиган даражадаги тарихий ва маданий ёдгорликларга, юксак даражада тарққий этган олий ўқув юрtdарига, университет ва институтларга бой. Шундай экан, ИSECO ҳар томонлама асосланган ва тўғри қарорни қабул қилган.

Тошкентда ислом цивилизациясининг турли жиҳатлари ва унинг тарққийотида Ўзбекистон ағаллаб турган ўрнига бағишланувчи «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равангага қўлган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этиш гоясини тулиқ қўллаб-қувватлайман. Уйлаётганим, Франция ҳам мазкур анжуманда ўзининг етакчи олим ва тадқиқотчилари билан иштирок этади. Конференция ташкилотчилари ва иштирокчиларига муваффақият тилайман. Бизда ислом қадриятларига катта аҳамият берилади. Ўзбек маданияти ҳам алоҳида диққатга сазовор ва дунё миқёсида машҳур бўлган маданиятлардан бўлса-да, унда яхшироқ танилишга лойиқ. Францияда мамлакатининг исломчилари жуда кўп.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлган суҳбатда жаноб Ришар, жумладан, шундай деди: «Мен Ўзбекистонда элчи сифатида 1995-2000 йиллар давомида фаолият юритганман. Мен учун иккинчи Ватан бўлиб қолган бу аjoyиб мамлакатни ҳеч қачон унутмайман. Узининг бетақор манзаралари, бой маданий мероси, маҳобатли меъморий ёдгорликлари, меҳмондўст халқи билан ажралиб турадиган мўъжизавий бир юрtdир. Ўзбекистон тўғрисидаги таассуротлар қалбимда умрбод сақланади.

Тошкентда ислом цивилизациясининг турли жиҳатлари ва унинг тарққийотида Ўзбекистон ағаллаб турган ўрнига бағишланувчи «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равангага қўлган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этиш гоясини тулиқ қўллаб-қувватлайман. Уйлаётганим, Франция ҳам мазкур анжуманда ўзининг етакчи олим ва тадқиқотчилари билан иштирок этади. Конференция ташкилотчилари ва иштирокчиларига муваффақият тилайман. Бизда ислом қадриятларига катта аҳамият берилади. Ўзбек маданияти ҳам алоҳида диққатга сазовор ва дунё миқёсида машҳур бўлган маданиятлардан бўлса-да, унда яхшироқ танилишга лойиқ. Францияда мамлакатининг исломчилари жуда кўп.

Тошкентда ислом цивилизациясининг турли жиҳатлари ва унинг тарққийотида Ўзбекистон ағаллаб турган ўрнига бағишланувчи «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равангага қўлган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этиш гоясини тулиқ қўллаб-қувватлайман. Уйлаётганим, Франция ҳам мазкур анжуманда ўзининг етакчи олим ва тадқиқотчилари билан иштирок этади. Конференция ташкилотчилари ва иштирокчиларига муваффақият тилайман. Бизда ислом қадриятларига катта аҳамият берилади. Ўзбек маданияти ҳам алоҳида диққатга сазовор ва дунё миқёсида машҳур бўлган маданиятлардан бўлса-да, унда яхшироқ танилишга лойиқ. Францияда мамлакатининг исломчилари жуда кўп.

«Жаҳон» АА.

## Анжуман Экофестиваллар марафони

«Экосан» халқаро ташкилотиде «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваллар марафонини ўтказиш бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Экофестиваллар Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига таърирлар кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» ти Қароридан келиб чиққан ҳолда, «Экосан» халқаро ташкилоти, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

Бундан кўлаанган асосий мақсад истиқлол йилларида табиатни муҳофаза қилиш, халқ саломатлигини сақлаш, шунингдек, экологини яхшилаш бўйича эришилган ютуқларни жамоатчиликка кўрсатиб беришдан иборатдир. Тадбирлар доирасида атраф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан осқилона фойдаланиш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришга чорловчи кўргазмалар ташкил этилади.

Экофестивал марафони 20 июль куни Андижон вилоятида бошланиб, Қўрағаловистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

С. РАҲМОНОВ.

14 июль куни гуллар шаҳри — Наманган спорт майдонларида республика «Тўмарис аёллар спорт фестивали» бошланади. Президентимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли мустақиллик йилларида жамиятимизда соғлом турмуш тарзи қарор топмоқда. Юрtdошларимиз,

## СПОРТ, ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

жумладан хотин-қизларнинг ўз соғлиғига бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда. Бу борада спортнинг ўрни ва аҳамияти катта. Жаҳон миқёсидаги кўлаб йирик спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари

юқори натижаларга эришаётир. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада каби ёшлар мусобақалари мамлакатимиз спорт ҳаётида мустақим ўрин эгалламоқда. Шулар қаторида хотин-

қизлар спорти ҳам изчил ривожланмоқда. Бунда хаваскорлик ва профессионал спортга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилдан бошлаб республика хотин-қизлар спорт фестивали оқила, метин иро-

дали, жасоратли, маънавий юксак ва гўзал, меҳрибон ўзбек аёлнинг яхши феъланглари тисолига айланган Тўмарис номи билан аталадиган бўлди.

(Давоми 3-бетда).

# САМАРҚАНД САХОВАТИ

Водийларни яёв кезганда...



Ер юзидаги қадимий шаҳарлар, инсоният тахайюлига хос ноб иншоотлар ҳақида гап кетганда, Самарқанд номи ҳам албатта тилга олинади. Бу бежиз эмас. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва тараққий этишида унинг муҳим ҳудудлардан бири бўлганлиги тарихдан маълум. Хусусан, буюк саркарда Амир Темур даврида Самарқанд жаҳоннинг энг йирик ва гўзал пойтахтларидан бирига ҳамда маданий марказига айланди. Бетақор ва маҳобатли обидалар бунёд қилинди. Меъморчилик, хунармандчилик ва тасвирий санъат намуналари дунё аҳлини ҳайратга солди.

Аммо жаҳон нигоҳидаги мўъжизавий шаҳарни сақлаш, асрлар билан юзлашган тарихий обидаларни аждодлардан авлодларга ўз ҳолича етказиш осон кечмади. Инсоният тафаккурининг энг сўнги ютуқларини ўзида акс эттирган не-не осори-атиқалар шўролар даврида қаровсизлик оқибатида нураб қолди. Беназир алломалар номи унутилди. Фақат истиқлол туфайлигина Самарқанднинг тарихий мероси қайтадан англанди, миллий

гурур, маданият ва аъналар, тил ва маънавиятни қайта тиклаш ижтимоиятига эга бўлинди.

Бугунги кунга келиб эса Самарқанд бутун буй-баста билан ўзини дунёга намоян этмоқда. Зеро, мустақиллик даврида шаҳар бетақор қиёфага эга бўлди. Тарихий обидалар — мақбаралар, мадрасалар ўз ҳолига қайтди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ислом маданияти ва илми ривожига муносиб ҳисса қўшган қанчадан-

қанча аждодларимизнинг номлари улугланди, уларнинг хоки-пойларни гавжум зияратгоҳга айланди. Жумладан, Самарқанд шаҳридан унчалик узоқ бўлмаган Хартан қишлоғида Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий мақбараси ўрнида қисқа вақтда маҳобатли ёдгорлик мажмуаси дунёга келди. Бу муқаддас даргоҳ бутун дунё мусулмонларининг зияратгоҳларидан бирига айланган ҳам Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросига юксак фахру ифтихор бахш этиши табиий.

Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратлари мангу кўним топан Чокардиза қабристонини ободонлаштириш, бу ерда ёдгорлик мажмуаси барпо этиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Ушбу обиданинг очилиш маросимида бутун дунё мусулмонлари вакиллари иштирок этишти. Юртбошимиз маросимда қатнашиб, Мотуридий меросини қадрлаш, уни ёш авлод қалби-га сингдириш ҳақида батафсил тўхталдилар. Мусулмон оламнинг яна



бир бемисл қадамжоларидан бири Шохи Зинда ёдгорлик мажмуидир. Бу ерни қайта тиклаш ва капитал реконструкция қилиш давлат аҳамиятидаги юмушга айланди. Шаҳар бағри очилди. Ёдгорлик мажмуи атрафи ободонлаштирилди, йўллар кенгайтирилди. Палапартиш, режасиз қурилган майда иншоотлар олиб ташланди. Мустақиллик даврида Самарқанд салохиятини оширишга хизмат қилган яна бир воқеа — Юртбошимизнинг ташаббуси ва тақлифлари асосида ҳар икки йилда ўтказилиши аънамага айланган «Шарк тарононалари» халқаро мусика фестивалидир. 2005 йилда бешинчи бор ташкил этилган ана шу нуфузли анжуманга жаҳоннинг 40 дан ортқ мамлакатидан 400 га

(Давоми 2-бетда).

## Пскентда ўқув маркази

Кеча пойтахт вилоятининг Пскент тумани марказида «Тадбиркор аёл» ўқув маркази очилди. Унда қишлоқ ёшлари тикувчилик, пазандалик, сартарошлик, бухгалтерия ҳисоби сирларини, шунингдек, хорижий тилларни ўрганадилар. Эътиборли томони шундаки, ўқув марказини энг сўнги русумдаги дастхона билан жиҳозлаш учун Япония элчихонаси 22369 АҚШ доллари миқдориде грант ажратди.

Ўқув марказининг очилиши билан 13 нафар мутахассис ишли бўлди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

## БИР РАҚАМ ШАРХИ

Республикаимизнинг йирик саноат шаҳри — Навоийда жорий йилнинг биринчи ярмида касаначилик асосида қарийб

# 1000

та янги иш ўрни очилди.

Навоий тоғ-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», «Навоийазот», «Навоийдонмаҳсулотлари», «Навоийэлектротармоқлари» акциядорлик жамиятлари ва «Пекин-Кармана» қўшма корхонасида шаҳар аҳолисининг бандлик даражасини ошириш, турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилган амалий ишлар туфайли шундай натижа қўлга киритилди.

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Ер юзининг сайқали

• **ХОРАЗМ.** Урганч шаҳридаги суратлар галереясида қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб «Ер юзининг сайқали» мавзусида бадиий кўргазма очилди. Кўргазмадан кутлуг туйи-

ни нишонлаш арафасида турган Самарқанд шаҳрининг тарихи ва бугунини акс эттирувчи юзлаб ранг-тасвир асарлари жой олди. Кўргазма санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

## Маъмурият ташаббуси

• **НАВОЙЙ.** Шаҳардаги «Жанубсаноатмонтаж» корхонаси маъмурияти ташаббуси билан кундузги оромгоҳ ишга туширилди. Бу ерда ёзги таътил давомида корхона ишчиларининг қарийб юз нафар фарзанди ҳордиқ чикариши мумкин. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган, малакали етакчи ва тарбиячилар жалб этилган. Ҳуқуқчилар учун турли қизиқарли учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

## Илмий-амалий семинар

• **СУРХОНДАРЁ.** Вилоятда ёшларнинг илғор педагогик технологиялар асосида билим олиши учун барча зарур шарт-шароитни яратиш, аҳоли, айниқса, йигит-қизлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларнинг юрт раванқи, халқ фаровонлиги йўлидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Улар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш бунинг кундаги муҳим вазифалардан дур.

Термиз шаҳрида «Ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва фаоллиги» мавзусида ўтган илмий-амалий семинарда шу хусусда атрофликлар фикр юритилди. Шунингдек, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, касб-ҳунар коллежаларини тугатган йигит-қизларни иш билан таъминлаш бўйича ҳам тақдир мулоҳазалар билдирилди.

## Балли, тадбиркор!

• **ТОШКЕНТ** вилояти. Ангрэн дехқон бозорига фаолият юритадиган тадбиркор Нухриддин Нидоев Ижтимоий ҳимоя йилги муносабати билан хайрли ишга қўл урди. Унинг қарашли савдо шохбчасини уруш ва меҳнат фахрийларига, кам таъминланган ва кўмакка муҳтож оилаларга хизмат кўрсатувчи махсус дўконга айлантирди. Сўнгра савдога чикариладиган янги ҳамда сархил озик-овқат, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларига қўйилган устаманарҳдан воз кечиб, уларни бозордагига нисбатан ўттиз фоиз арзон баҳода сотишни жорий этди.

Мижозлар тадбиркорнинг ҳимматида бехад мамнун бўлмоқдалар.

## Навбат — Нукусга

• **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН** РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежалари ўқувчиларининг навбатдаги «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақалари Нукусда бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида мазкур спорт байрамига тайёргарликка бағишланган йилгилиш ўтказилди. Ушбу соҳага алоқадор вазирлик ва идораларнинг раҳбар-

лари иштирок этган ушбу тадбирда асосий эътибор мусобақалар бўлиб ўтадиган иншоотларни беллашувларга юксак савияда ҳозирлаш, стадионлар ҳамда бошқа жисмоний тарбия масканларини жаҳон андозаларига мослаштириш масалаларига қаратилди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари Х.Абдураҳмонов сўзга чиқди.



## Қашқадарё нурчилари

«Қашқадарё электр тармоқлари» очик хиссадорлик жамияти жамоасининг асосий эътибори аҳолини улуғсиз электр энергияси билан таъминлашга қаратилган. Бунинг учун мавжуд имкониятдан оқилона фойдаланиб, кенг қўламли таъмирлаш ишлари бажарилимоқда. Шу пайтгача жамоа аъзолари ўнлаб километрдаги ички электр тармоқларини жорий ва капитал таъмирдан чикардилар, қўллаб-қувватлаш, паст қувватли трансформаторлар янги ва юқори қувватли билан алмаштирилди.

Электр энергиясини тежаш, ундан умумий фойдаланиш мақсадида аҳоли турар жойлари ва корхоналарда замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Вилоят бўйича жорий йилнинг ўтган даври давомида 30 мингга яқин ана шундай ускуналар қўйилган бўлса, айил охиригача яна 25 мингдан ортиқ замонавий ўлчачилар ўрнатилиши мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: жамият ҳаётидан лавҳа. Ш. ШАРОПОВ оlingан сурат.

«Халқ сўзи» ва «УА» мухбирлари хобарлари асосида тайёрланди.



(Давоми. Боши 1-бетда).

яқин иккунчалар, меҳмонлар, журналистлар келишганди.

Навбатдаги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ўтиши эса самарқандликлар учун аввалгиларидан янада қадрлироқ, янада аҳамиятлироқдир. Негаки, бу галги анжуман республикамиз мустақиллигининг 16 йиллик ҳамда қўна Самарқанднинг 2750 йиллик тантаналарига улашиб кетади.

Ўтган йилнинг 25 июлида «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» Президент Қарори қабул қилинди. Қарорда қадимий ва бой тарихи, бетақдор маданияти, юксак сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тарихига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимиз ва маънавиятимизнинг қўна бешикларидан бири бўлган, ноёб тарихий-меморий обидалар, муқаддас қадимликларни ўз бағрида асраб-авайлаб келаётган Самарқанд шаҳрининг кутлуг санасини 2007 йилда Мустақиллик байрами билан боғлиқ тантаналар кунларида кенг миқёсда нишонлаш ҳамда юртдошларимиз, хусусан, ёш авлодни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида бажарилиши лозим бўлган ишлар қўлами белгиб берилади.

Ушбу қарорни ўқиб тўқинланиб кетдим, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Абди Эржаев. — Биз биламизки, дунё ахли даврдан Шарқ деганда Самарқандни тасаввур этишган. Сўнгги боғларимиз, тарихий обидаларимиз, маърифати ва ҳунарманд одамларимизни халқига келтиришган. Шўролар даврида эса ўтмишимиз сохташлатирилди. Бетақдор маданиятимизга паст назар билан қаралди. Шу сабаб ҳам қадимий Самарқанднинг ёши анёқ айтилмасди. Энди эса ҳақиқат қарор топди. Истиклолимизга, бугунги кунимизга шўқ, эзгуликлар бошида турган

## Президентимизга раҳмат!

Дунёда Самарқанд каби қўна шаҳарлар бармоқ билан санарли, — дейди «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими кенгаши раиси Ҳасан Нормуродов. — Ҳаммамиз улуг бобоқалонларимиз яшаб ўтган бу муқаддас юртини жон-жонимиздан севамиз, ардоқлаймиз. Қарангизки, мустақиллигимиз туғилиши, Юртбошимизнинг сай-ҳаракатлари босиб Самарқандимиз яна дунё эътиборига тушиб турибди.

Самарқанднинг бошқа шаҳарлардан

да ишлаб чикариладиган совутиқчилар, музлаткичлар, қишқир-ёзги замонавий кондиционерлар ва бошқа турдаги халқ истеъмол моллари сифат жиҳатдан тўлиқ жаҳон андозалари даражасида. Совутиқчи ва кондиционерларни сотиш бозорини кенгайтириш мақсадида республикамизнинг барча вилоятлари бўйлаб дилерлик тармоғи, Тошкент шаҳрида эса корхонанинг Савдо уйи ташкил қилинди.

Айни пайтда корхона мактабларни жиҳозлаш дастурида ҳам иштирок этиб, шу мақсадда музлаткич камераси, тарқатиш линияси, металл столлар, жавонлар, электр пилта каби маҳсулотларни ишлаб чикаришни йўлга қўйди. Аҳамиятлиси, корхонада локализация даражаси 80 фоиздан ошди. Вилоят санаятида кичик биз-

Неча йиллардан буён пахтачилик галачилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида илғорликни қўлдан бермай келаётган Нарпай тумани фермерлари айнан Президентимиз айтган фермерлар сирасидан, десак янгилишмаймиз.

Бугунги кунда туманда 900 дан зиёд фермер ҳўжалиғи фаолият кўрсатмоқда. Ҳаммаси ер билан тиллаша оладиган ҳақиқий дехқон. «Абдушўқур пахтакор» фермер ҳўжалигининг раҳбари Абдушўқур Маҳмудов ҳам ана шундай фермерлардан.

— Ўтган йили пахтачиликда омадимиз келди, — дейди у. — Давлат буюртмасини икки хиссага уддаладиқ. Ҳосилдорлик 50 центнердан ошди. Ялғи ҳосилнинг 160 фоизини биринчи навларга сотдик. 12 миллион сўм соф фойда олдик. Ҳозирча топайтган даромадимизнинг асо-

берилиб ишлайди, меҳнатнинг қадрига етади. Сувдан ўйитдан, техникадан тежамкорлик билан фойдаланади, ортиқча харажатга йўл қўймайди.

Пастдорғом туманида Элибой Таниев деган фермер бор. Уни фақат даладасидан топасиз. Ерлари дашт худудида Янгибод кенгликларидан жойлашган. Енгинасидан Дарғом канали оқиб ўтади. Аммо фермер экинларини насос ёрдамида сугорайди. Чунки экинзор сув сатҳидан анча баланд.

Элибой ака ҳар йили чигитни қўшқаторлаб экади. Бунинг учун олдидан пушта тайёрлаб қўяди. Техникалар эса



лар ҳам қалбларни қувонтиради. «2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш давлат дастури» асосида умумтаълим мактаб бинолари муҳандислик коммуникация инфратузилимасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция йўналиши бўйича виллоятда жами 35 та мактаб биноси янгидан қурилиши, 268 та мактаб биноси капитал реконструкция қилиниши, 287 та мактаб биноси капитал ҳамда 317 та мактаб биноси эса жорий таъмирланиши белгиланган.

Ўтган йили умумийлик дастурининг 2006 йил кўрсаткичлари доирасида виллоятда 6 та янги мактаб қуриди, 48 та мактабда капитал реконструкция, 34 та мактабда капитал таъмирлаш маҳаллий ўйитдан кўпроқ фойдаланамиз. Қорамолчилик фермамиз ҳам бор. Шу босиб, маҳаллий ўйит муаммо эмас.

Самарқанднинг машҳур боғлари кўп. Улар таърифи соҳибқирон Амир Темур даврида етти иккигига дoston бўлган. Мустақиллик даврида ана шу боғларни қайтадан тиклаш ва янада ривожлантириш борасида жиддий ҳаракатлар қилинди. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг мева-сабзавотчилик ширкат ҳўжаликларидан ислухотларни чўқурлаштириш борасидаги қароридан сўнг аҳоли ижобий томонга ўзгарди. Мазкур қарор асосида боғ ва тоқзорлар фермерлар тасаруфига ўтди.

— 32,5 гектар ерга ағзаман, — дейди Самарқанд туманидаги «Махидов Халил МИХ» фермер ҳўжалиғи раиси Илхом Махидов. — Унинг 12,6 гектари тоқзор. Фермер ҳўжалиғи ташкил этганимизга эндиликка бир йил тўлди. Ўтган йили ҳар гектар тоқзордан 150 центнердан ҳосил олдик. Бу йилги режалар янада юқори, 60 нафар кишини ишга жалб этдим. Уларнинг барчаси ўзларини ернинг эгаси ҳисоблашади. Шу босиб, дилдан меҳнат қилишди. Мева-сабзавотчилик соҳасидаги ислухотлар айни кўнглидаги иш бўлди.

Вилоят халқ таълими соҳасида амалга ошириладиган иш-

доимий ишга шай. Трактор, культиватор, ҳаммасидан бор. — Чигитни қўшқаторлаб экиннинг самараси бошқача, — дейди фермер. — Бундай услубда ниҳол 1,5-2 баравар кўп бўлади. Ҳосил ҳам тул сонига яраша. Фақат парвариш кўнглигидек бўлиши керак. Минерал ўйит билан бир қаторда маҳаллий ўйитдан кўпроқ фойдаланамиз. Қорамолчилик фермамиз ҳам бор. Шу босиб, маҳаллий ўйит муаммо эмас.

Самарқанднинг машҳур боғлари кўп. Улар таърифи соҳибқирон Амир Темур даврида етти иккигига дoston бўлган. Мустақиллик даврида ана шу боғларни қайтадан тиклаш ва янада ривожлантириш борасида жиддий ҳаракатлар қилинди. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг мева-сабзавотчилик ширкат ҳўжаликларидан ислухотларни чўқурлаштириш борасидаги қароридан сўнг аҳоли ижобий томонга ўзгарди. Мазкур қарор асосида боғ ва тоқзорлар фермерлар тасаруфига ўтди.

Абдураҳул САТТОРОВ, Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

# ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ечиш ҳамда уларнинг тақлифларини ўрганиш бўйича бошланган бизнес лойиҳаларга тежкор равишда кўмаклашиш мақсадида учрашувлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Шу муносабат билан Сиз ўз фаолиятингизда учраётган муаммо ва тақлифларни 2007 йилнинг 20 июлига қадар Кенгашнинг ички органи - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чикариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Аллия вазирлиғи, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармаларига ёзма ёки оғзаки равишда беришингизни сўраймиз.

Сизни ушбу йилгилишда иштирок этиш учун тақлиф этамиз. Учрашувлар қар томонлама самарали бўлиши учун аввалдан худудий бошқармаларнинг қўйидаги телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Худудлар номи	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чикариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси худудий бошқармаларининг телефон рақамлари	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси худудий бошқармаларининг телефон рақамлари	Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлиғи худудий бошқармаларининг телефон рақамлари	Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармалари телефон рақамлари
Қорақалпоғистон Республикаси	(8-361) 222 30 03	(8-361) 2222357	(8-361) 2237193	(8-361) 7707101
Андижон вилояти	(8-374) 222 14 55	(8-374) 2221445	(8-374) 2244594	(8-374) 2981101
Бухоро вилояти	(8-365) 223 34 52	(8-365) 2233013	(8-365) 2237416	(8-365) 7701101
Жиззах вилояти	(8-372) 226 40 24	(8-372) 2263447	(8-372) 2263581	(8-372) 7717101
Қашқадарё вилояти	(8-375) 226 13 45	(8-375) 2250036	(8-375) 2230164	(8-375) 7711101
Навоий вилояти	(8-436) 225 18 03	(8-436) 2237900	(8-436) 2238074	(8-436) 7703101
Наманган вилояти	(8-369) 226 14 42	(8-369) 2265189	(8-369) 2265193	(8-369) 2231101
Самарқанд вилояти	(8-366) 235 44 61	(8-366) 2340410	(8-366) 2330462	(8-366) 2101101
Сурхондарё вилояти	(8-376) 222 77 68	(8-376) 2227439	(8-376) 2275861	(8-376) 7708101
Сирдарё вилояти	(8-367) 225 25 59	(8-367) 2253605	(8-367) 2253050	(8-367) 2211101
Тошкент вилояти	(8-371) 135 53 99	(8-371) 1376017	(8-371) 3635096	(8-371) 1509101
Фарғона вилояти	(8-373) 224 07 05	(8-373) 2243391	(8-373) 2241549	(8-373) 2297101
Хоразм вилояти	(8-362) 224 04 60	(8-362) 2271100	(8-362) 2264786	(8-362) 7705101
Тошкент шаҳри	(8-371) 132 00 97	(8-371) 1446045	(8-371) 1629242	(8-371) 1503101

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ОРОМГОҲИ

— Оромгоҳда «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари марказининг Тошкент шаҳридаги ҳамда виллоятлардаги фаоллари ўз билим ва дунёқарашларини янада кенгайтириши, — дейди «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази масъул ходими Мухтор Рустамов. — Езги ўқув лагери дастурида йигит-қизлар учун «Лойиҳалар ёзиш», «Етакчилик қобилиятини ривожлантириш», «Бир жамоа бўлиб ишлаш» мавзуларида ўқув-тренинглари ва ахборот семинарлари, интерактив машғулотлар, спорт мусобақалари, мода намойишлари, «Кувноқлар ва зукколар» каби турли хил маданий дам олиш дастурлари ташкил этилди.

Марказ томонидан виллоятларга уюштирилган «Биз бир жамоамиз» акцияси лойиҳанинг мантйиқий давоми, десак янгилишмаймиз. Босиб, виллоятларда бир жамоа бўлиб шаклланган ёшлар оромгоҳда бир оила сифатида жиҳслашди. Улар уйларига нафақат хордиқ чикариб, балки янги билим ва кўникмалар билан қайтмоқдалар.

— Ўтган йили «Таълим грантлари дастури» совриндори бўлган эдим, — дейди қорақалпоғистонлик Гулнара Нурибегова. — Бу муваффақият мени янги ташаббусларга чорлади. Тикувчиликка қизиққан учун «Келажақ овози» номли гилам тўқидим. Хали олдидан яна кўп режаларим бор.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Жумладан, жорий йилда «Келажақ овози» танловининг гойиблари ўз йўналишлари бўйича давлат гранти асосида олий ўқув юрларига ўқишга кириш имкониятига эга бўлишди. Бундан ташқари, танловга янги «Спорт» йўналишининг киритилиши ҳам иштирокчилар сонини оширибгина қолмай, балки уларни янги-янги ташаббусларга чорламоқда.


О. ФАЙЗИЕВ.



**ЖАҲОН**

24 соат ичида

**Кувайт нефть захираси қанча?**



Кувайт нефть вазири вазири бажарувчиси Муҳаммад ал-Олаим мамлакатдаги «қора олтин» захи-

раси 100 миллиард баррел эканлигини маълум қилди. Бундан олдинроқ дунё нефть бозоридидаги мустақил экспертлар Кувайт захирасини 48-50 миллиард баррел деб баҳолашган. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, бугунги кунда дунё бозорига чиқарилаётган нефтнинг 40 фоизи айнан шу мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

**Яна тортитувлар**



АҚШ Конгрессининг Куйи палатаси мамлакат ҳарбийларини 2008 йил 1 апрелга қадар Ироқдан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди. Унда айтилишича, Пентагон яқин тўрт ой мобайнида ҳарбийларни ўз уйларига қайтаришни бошлаши керак. Мамлакат президенти Жорж Буш ҳарбийларни олиб чиқиш масаласидаги ҳар қандай ҳужжатга вето қўллашни билдирди. Куйи палата учинчи мартаба бу масалада қонун қабул қилмоқда. Биринчисини Сенат тасдиқламади, кейингисига эса Жорж Буш вето қўллади.

**Террорчилар Европага яна таҳдид солиши мумкин. Бу сафар улар иттифоқ ҳудудида оқибати ўлимга олиб келадиган хавфли вируслар ва кимёвий моддалардан фойдаланишлари тахмин қилинапти.**

**Биохужум таҳдиди**



Бу ҳақда исмини ошкор этмаган Буюк Британия хавфсизлик хизмати ходими журналистларга маълум қилди. Мамлакат бош вазири Гордон Браун ўз ҳукуматида ва полициячиларга солиқни сақлаш тизимида хавфсизлик чораларини кучайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

**Президентнинг мурожаати**

**Покистон Президенти Парвез Мушарраф Исмободдаги Қизил масжидда амалга оширилган теракт бартараф этилиши муносабати билан телевидение орқали аҳолига мурожаат қилди.**

У мамлакатда барча террорчилар йўқ қилинишига ваъда берди. Покистон раҳбари бундан кейин мамлакатдаги масжидлардан террорчилар фойдаланишига йўл қўйилмаслигини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, Қизил масжидни террорчилардан тозалаш чоғида 75 нафар хангарчи йўқ қилинган. Бундан ташқари, 21 нафар ҳарбий ҳалок бўлди.

**Абрамович олтин ишиқиди**

Россиялик тадбиркор Роман Абрамовичнинг «Millhouse Capital» компанияси Чукоткада олтин казиб олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу ҳақда «Ведомости» газетаси хабар тарқатди. Тақлилчиларнинг фикрича, «Millhouse Capital» олтин қонини 50-70 миллион долларга сотиб олган бўлиши мумкин. Манбада келтирилишича, Абрамович Чукоткадаги бошқа олтин қонларини ҳам ўзлаштириш ниятида.

**Бағдоддаги «Dag Es Salaam» банкидан 300 миллион долларга яқин маблағ ўғрилди. Бу ҳақда «Рейтер» ахборот агентлиги хабар тарқатди.**

**300 миллион доллар ўғрилди**

Хозирда банкнинг учта кўриқчиси мазкур ўғриликда гумон қилинапти. Ўғрилик содир этилган кечда улар навбатчилик қилишган ва пул билан бирга гоёиб бўлишган. Айни пайтда Ироқнинг тижорат банкига қандай қилиб шунча катта маблағ келиб қолганлигига ойдинлик киритилмоқда.

**Пултопар кино**



Жоан Роулингнинг «Гарри Поттер ва Орден Феникс» китоби асосида ишланган фильм экранга чиқарилиши билан биринчи кундан оқшнинг ўзида 12 миллион доллар маблағ жамгарди. Бу эса рекорд натижадир. 2005 йилда Гарри Поттер тўғрисидаги бундан олдинги кино ҳам биринчи кунда 6 миллион доллар ишлаган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**ЛУҚМАНГИЗ ҲАЛОЛ БЎЛСИН!**


Бозорларимиз ҳақида гап кетганда, яқинда юртимизга келган бир хорижликнинг куйидаги эътирофи ёдимга тушаверади: «Сизларда мева-чева мўл-кўл экан. Бозорларингизда барча маҳсулотлар муҳайб, истаган нарсани топиш ва харид қилиш мумкин. Бизларда меваларни донлаб сотишади, яна фалон пулга! Очигини айтсам, сизларга ҳавасим келди».

Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Устандарт») да бўлиб ўтган анжуманда бозорлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир муҳим масалалар муҳокама қилинди. «Устандарт» агентлиги бош директори Р. Бурiev бошқарган йилгида республика ҳудудидаги бозорларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароит яратиш, бозорларда истеъмол товарларининг чакана савдосини тартибга солиш каби масалалар юзасидан фикрлар билдирилди. Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан бозорлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кўп қатламли ҳужжатлар қабул қилинди. Замонавий бинолар ва инфратузилмаларга эга бозорлар барпо этилиб, мавжудларни қайта реконструкциядан чиқарилиди. Бозорларда маҳсулотлар сотувга чиқарилишидан олдин тегишли лабораторияларда назоратдан ўтказилади, сотувчилар эса давлат қўбслаш кўригидан ўтказилган тош-тарози билан таъминланган. Анжуманда таъкидланганидек, бозорлар фаолияти самардорлигини яхшилашга қара-

тилган кўп қатламли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, шу билан бирга, айрим нопок сотувчиларнинг тарозидан «ўриб» қолиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Улар давлат қўбслаш кўригидан ўтказилган ўлчов асбобларини бузиб, харидорлар ҳақида хиёнат қилмоқдалар. Ўтган йилги ҳисоботга кўра, мамлакатимизда тош-тарозидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ 62 та ҳолат аниқланган. Йилги иштирокчилари томонидан республикамиз ҳудудидаги деҳқон бозорларида ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама этилди. Паллалари тарози ва тарози тошларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш имкониятлари, истеъмолчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида замонавий электрон тарозиларни савдога таъбиқ этиш борадаги чора-тадбирлар белгилан олди.

Юлдаз РИЗАЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

**Харакат хавфсизлиги ойлиги**



**Уюшқоқлик билан ўтказилмоқда**

Сурхондарё вилоятида ҳаракат хавфсизлиги ойлиги уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Серкатнов йўли, йўл-патруль масканлари ва жамоат транспортларига йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга ундайдиган плакатлар, лавҳалар ўрнатилди. Барча жойларда назорат кучайтирилиб, ҳаракат хавфсизлигига ундовчи тарғибот ишлари амалга ошириляпти. Бундан ташқари, вилотият йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жамоаси томонидан қорхона ва ташкилотларда, маҳалла ҳамда болалар муассасаларида учрашувлар ўтқа-

зилиб, ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ қонун-қоидаларнинг аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бўриляпти. **СУРАТДА:** сержант Эркин Чориев ва майор Номоз Ашуров хизмат чоғида.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан Қоракалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2006 йил 11 октябрдаги 23-0601/8179-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган «Markaziy Osiyo bezak toshlari kompaniyasi» қўшма қорхонасининг тугатиш бошқарувчиси томонидан куйидаги манзилларда жойлашган, қўшма қорхонага тегишли бино-ишоотлар ва ускуналар бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда:

Номи	Бошланғич баҳоси (сўм)
Курилиши тугалланмаган маъмурий бино, умумий майдони 458,15 кв.м., бостирма (2-қаватда жойлашган) умумий майдони 144,55 кв.м. ва умумий майдони 2204 кв.м.дан иборат бўлган ишлаб чиқариш цехи	43 036 000
Қоракалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ходжели сосессии манзилида жойлашган контейнер-уй	3 672 393
<b>II. Тошкент шаҳри, Кува кўчаси, 62-уй манзилида сакланмоқда.</b>	
Шакллантириш қурилмаси (контурная машина) «Contoutbreton NC200»	71 312 233
Мармар ва гранит кесил қурилмаси «Pedrini M931»	41 574 334
Силлик (шлифовка) қиладиган дастгоҳ «Breton»	6 054 918
Мармар тайёрлаш қурилмаси «Pegelin Telediesel TDD 100M»	47 167 414
Бўлақловчи диски қурилма (распиловочный пятадисковый станок) M543 (Шарошки гранитные)	21 018 137
Болгарканинг трансформатори FLEX	171 680
Болгарканинг трансформатори FLEX	464 087
<b>III. Тошкент шаҳри, Кўйлик-5, Алимбекова кўчаси, 2-уй манзилида сакланмоқда.</b>	
«ORION A» 75-15 электр шити	360 093
«Lombardini» двигатели	5 604 918
«УАЗ-31544» русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси	11 517 902
Техника воситаси кузови	406 459

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 14, 21 ва 28 август кунлари соат 11.00 да, ушбу мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Урозов кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Урозов кўчаси, 1-«А» уй, Республика кўчмас мулк биржаси. Телефон: 228-79-52. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz

**СПОРТ, ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Спартакиада қатнашчилари сафи йил сайин кенгайиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Йил давомида туман, шаҳар ва вилоят саралаш босқичларида 1 миллион 718 миң нафар хотин-қиз иштирок этди. Уларнинг энг чакон ва кучлилари мазкур спорт анжуманининг финал босқичида қатнашиш учун Наманганга келди. Улар уч кун давомида маҳорат бобида ўзаро баҳслашдилар.

Уч юз нафардан ортиқ иштирокчи энгил атлетика, волейбол, стритбол, сузиш, стол теннис ва шахмат бўйича совринли ўринлар учун куч сынашди. Шунингдек, спартакиада дастуридан халқ ўйинлари, эстафета, анъанавий «Кувноқ стартлар» мусобақаси, синхрон сузиш ва гимнастрада бўйича кўргазмалар чиқишлар ҳам жой олган. Бундан ташқари, кенг қўламли бадий дастур ҳам тайёрланган. Унда эстрада ижрочилари, ракс, бадий хаваскорлик жамоалари ўз санъати билан спортчи ва томошабинларни ҳушнуд этади. «Спорт маликаси» гўзаллик танлови ўтказилади, хусусий тадбиркорлар ва ҳунармандлар тайёрлаган буюмлар ярмаркаси намойиш этилади.

Ҳар йили бўлиб ўтадиган республика «Тумарис аёллар спорт фестивали» Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Қасаба уюмлари федерацияси кенгаши, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вази-

лиги томонидан Наманган вилояти ҳокимлиги, бошқа қатор вазирилик, идора ва ҳимий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Бугун Наманган вилоятида 250 миң нафардан ортиқ хотин-қизлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланади. Олти олимпия захираси спорт мактаби, 37 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда мактаб-интернатларда олти миң нафардан ортиқ қиз ҳар хил спорт турлари билан шуғулланмоқда.

Республика фестивалининг финал босқичини ўтказиш учун Наманган шаҳрининг танланган беҳиж эмас. Негаки, етти йил аввал талабаларнинг биринчи Универсиада беллашувлари ҳам айнан шу ерда бўлиб ўтган эди. Шу кунларда шаҳар кўчалари, майдонлар ва хиёбонлар байрамона безатилган. Спартакиаданинг тантанали очилиши ва ёпилиш маросимлари «Навбахор» марказий стадионида бўлиб ўтади. Мусобақа кунлари стадион трибуналари минглаб томошабинлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан гавжум бўлади.

Беллашувлар Наманган муҳандислик-педагогика институти, «Дўстлик» академик лицейи спорт залларида, «Динамо» стадионида, Давлатбод даҳасидаги «Ешлук» спорт-соғломлаштириш мажмуининг сузиш ҳавзасида бўлиб ўтади.

И. РАЗОҚОВ, ЎЗА мухбири.

**«Ўзметкомбинат» АИЧБ**

Тўлиқ технологик цикли рангли металл ишлаб чиқариш қорхонасида қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади:


Мис лента, тунука (лист) ва металл тилим (полоса)



**Техник тавсифи:**

- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 1173-93, код ТН ВЭД 740911000;  
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 495-95, код ТН ВЭД 740911000.

**Жез (латун) лента, тунука ва металл тилимлар**



**Техник тавсифи:**

- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 2208-91, код ТН ВЭД 740921000;  
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 931-90, код ТН ВЭД 740921000.

**0,5 мм. қалинликдаги мис**

**тунукадан тайёрланган металлочерепаца**

Ишлаб чиқариш қорхонаси Европанинг (Италия, Австрия, Швейцария, Германия) етакчи фирмалари замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Мазкур ускуналарда буюртмачининг барча истаklarини тўлиқ қондириш, шу жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш бўйича техник имконият мавжуд.

Маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабига жавоб беради. Улар миллий ва халқаро сертификациялаш тизими бўйича сертификатланган.

Юқори сифатли маҳсулотимизни тез-тез келиб беришга қафолаб берамиз!

**Манзил из:**

Ўзбекистон Республикаси 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри. Телефонлар: (+998 370) 913-15-22, (+998 370) 912-37-94, (+998 370) 912-24-23. Факс: (+998 370) 912-37-78. E-mail: UMK-COEM@yandex.ru

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га** 9.00 дан 18.00 гача  
**ЭЪЛОНЛАР** 136-09-25  
132-10-63  
242-хона  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилик жамоаси вазирилик бўлим бошлиғи Обиджон Умаровга падари бузуқвор  
**УМАР отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Кўнгил жиёбони



**Инсон яратилган мўжизаларнинг энг буюги, мукаммали, қудратлиси ва энг нафосатлиси. Унда жонзотга ҳослик бор, лекин руҳи мутлақлик билан мартабаси улуг қилинган. Улуг мартаба ундан бошқа ҳеч нарса ва ҳеч бир мавжудотда йўқ.**

## ГАВҲАРИ СОФ ПОРЛАБ ТУРСА...

Шундай экан, у гавҳари софдир, Нури ваҳдатга йўналтирилган, жиёси асло қораймайди. Аммо, таассуфки, шунчалик олий мартабада бўлса-да, унинг жонзотлик сифати — васвасага мойиллиги бор. Баъзан зулм, ноҳақлик, урушлар, очкузлик, хирс, шаҳватга йўл беради. Натигада гавҳарни парда босади, нури ўзига уриб, кичрайиб қолади...

**Эй инсон, кўнгида ҳавас тўла жом**  
Васовасдан тилмас дил бесаранжом.  
Сен ўша-ўшасан, бешингда ҳам  
Тебратиб турмасан, тоилмасдинг ҳамон.  
Хазрати Мирзо Абдуқодир Бедил инсоннинг кўлидаги жомни балки дунё майллари идишига ўхшатгандир. Дилнинг бесаранжомлиги инсоннинг табиий мавжудотлар сирасида эканлигини англатар, бешик-чи?

Бешик бу руҳоният, руҳониятдаги меҳр, мурувват, раҳм-шафқат, гавҳари софнинг ҳимоysi, демак, унинг тебранишида дил ларзага тушмайди, бешикдан ташқарига чиқмайди, баюмо қазоларга йўлқиймайди.

Албатта, буни кимдир тарбият демоги мумкин. Шундай ҳам бўла қолсин. Зеро, тарбият ҳам раббоният ичиндандир.

Асл инсон:  
**Тўрт баҳр аро сен — нури офтоб,**  
**Этти баҳр ичра гавҳари ноёб.**

Инсон нурланиши исбот талаб қилмайдиган ҳодисадир. Чунки у офтоб — Яратувчи кўзгусида мавжланган нурдан асос олган. Шу боис, инсон танаси — фано, дир. Бақолик — мутолаа тироб майдонидир. Ҳамма гап инсон руҳи бақода устуворликка эришишида, фанолик ҳам бақонинг нурланган қисмига айланишида.

Демак, инсон фаноли — изтироб майдонини нурлантириш, уни обод этиш, саодат манзили қириш учун келган.

**Инсон агар жаҳд қиларек бўлса борин,**  
**Ерга олиб тушгай баланд осмонни ҳам.**

(Абдуқодир Бедил)  
Баланд осмон — нуқсонсиз ғўзаллик, нуқсонсиз тенглик, нуқсонсиз адолат. Илло, қалб кўзи — гавҳари софни парда тўмаса, у шаксиз фано саҳраларини чаманга айлантира олади.

Алқисса, инсон ер юзида нуқсонсиз яшашга, хатосиз интилишга сафарбар этилган зот. У ўзини енгишга, яъни мавжудот ҳосилигидан келиб чиққан иллатларни бартараф этишга, ўзи билан жангга юборилган вазифада.

**Гавҳари қудрат бор тил забонингда,**  
**Ҳақиқат, садоқат ҳар баёнингда.**  
**Минг ҳайфдур хатолар манбаи бўлсанг,**  
**Жаброти парвози ошайингда.**

(Абдуқодир Бедил)  
Вазифа — муқаддас, ўнлаб, юзлаб, минглаб авлодларнинг саъй-ҳаракати воситасида эришиладиган буюк галабани яқинлаштиришга қаратилган.

Ахир:  
**Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,**  
**Ақл кўзин қароси — гавҳари ҳам биз,**  
**Тўғарик жаҳонни зуққ деб билсанг,**  
**Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.**

(Умар Хайём)  
Биз — табиатнинг қурраи арз улғумиз. Улғулик эса улкан масъулият, табиатдаги барча нуқсонларга нисбатан адолат, теварақдаги барча аъзоларга нисбатан жавобгарликни англатади.

Зеро:  
**...Осмону заминда не бўлса, бари -**  
**Одамнинг фикридан эмас ташқари.**

(Низомий Ганжавий)  
Ёмонлик, бидъат, хурофот, қалтабичлик, жон бергучи ва олғувчи номидан гуноҳга ботиб айтилган фитна, омонатга хиёнат фикр эмас, жабрдир. Жабр — инсонга зийнат сифатида берилган эмас. Жабрни инсоннинг ўзи ортиради. Орттирган жабр охир-оқибат гавҳари софга нисбатан қилинадиган зулмга қулфни очади. Қулфи зулмга очилган вужуд хонавайронликка юз тутади.

**Занжирнинг охири ҳалқаси инсон,**  
**У — қалит, бандларни очиб осон.**  
**Сардек тик бошин кўтармиш маъмур,**  
**Борлиги яхши сўз, ақлу таваққур.**

(Абулқосим Фирдавсий)  
Қалитлик — бандларни очиб инсонга бахш этилган. У бу хусусияти билан азгулик, саодат, истиқбол, қалб ва коинот бандларини очиб керак. Зинҳор унга бахш этилган хусусиятдан фойдаланиб, қоронгилик, зулмат, риё бандларини очмаслиги даркор.

**Қалит бўлиб келдинг, ўйинчоқ эмас,**  
**Бир-бир хазиналар оча олсанг бас.**

(Хусрав Дехлавий)  
Кеча ҳам, бугун ҳам, эрта ҳам инсонга боғлиқ. Инсон қарғалимаган, аксинча, шарафланган. Унга бехисоб яхшилик, бехисоб саховат кўрсатилган. Макон ва манзил берилган, ҳаёт суви оқибди қўйилган. Инсон бир манзил-мақонни яхшилик биллиб, яхшилик қилса, қўшини унга атланган саховат деб қабул қилиб, заминга муҳаббат қўйса, меҳру мурувват этса, асло хор бўлмағай.

Илло... "Ободлик кўнгидадан бошланади". Кўнгли обод бўлса, гавҳари соф порлаб турса — Бахт шудир.

Абдували ҚУТЕЙДИНОВ.

Чақалоқни Гулистон шаҳри худудига қирувчи Дустлик кўрғонидида Яхшиликлар хонадонига ташлаб кетганларида у атиги олти кунлик эди. Қайнона вафот этган, қайнота тўшадан туролмайди, Абдулатиф эса ишли одам.

Қизалоқ соат сайин она меҳрини, унинг кўрақ сўтини кўмсаб йиғлайди. Кўни-кўнларининг меҳрибонлиги ҳам, уни бир-икки кун кўтариб юришлари ҳам жажжи Раънога таскин бўлмасди.

«Қайси юрак билан бу аёл бир ҳафталик боласини қайнотасиникига ташлаб кетади? Қандай кўзи кийдиқин? Бу ёқда чақалоқ чириллаб турсаю, у ёқда онаси хойнаҳой: «Эримни боладим. Қийнақли оворая сарсон бўлсин...» дея ўйлаётгандир. Аёл кишининг қўлидан ҳам мана шундай бемехрлик келадими?»

Маҳаллада муҳокама, мулоҳаза деганлари уричандан уричиди. Чақалоққа эса сўт керак эди. Унга меҳр керак эди. Алла деб атаганини юпанг зарур эди.

Жажжи Раънонинг онасини муҳокама қилишдан, унга панду насихат қилишдан йироқмиш. Бу аёл ўз қилмиши билан ўзлигини намоён қилиб улгурди. Биз бошқа аёл ҳақида ёзмокчимиз...

Бу жувоннинг исми Гулбаҳор. Уни тасофидан билиб қолдик. Билишга билиб, танишга таниб, меҳримиз ийиб кетди. Уни сўраб-суриштира бошладик. Қандай қилиб Раънога кўрақ туган она бўлиб қолганини тарихи билан қизиқа бошладик.

...Яхшиликлар чақалоқни сийлаб болалар уйига беришмоқчи бўлишди. Бирок Абдулатиф кўнмади. «Мен тирик туриб, болам етим бўлиб ўсадимми? Унга ўзим қарайман...» деди. Бир кун қаради. Икки кун қаради. Гудак ичикиб қолди. Пича дардга ҳам чалинди. Тол-

қондан иборат сўт қаёқда-ю кўрақ сўти дига қирувчи Дустлик кўрғонидида Яхшиликлар хонадонига ташлаб кетганларида аёл ёлмоқчи бўлдилар. Аммо бундай аёл топилмади.

Ана шундай беҳаловат кўнларнинг бирди Абдулатифнинг бўласи бўлмиш Гулбаҳор: «Раънохонга мен қарайман. Уни ўзим катта қилиб бераман», дея қариндоқ-уруғларини лол қолдирди.

Кўнлар кетидан кўнлар ўтди. Ҳафтала бир-бирини кўл узатди. Ойлар бир-бирининг ортидан югуриклай бошлади. Шубҳаю гумонлар тонгдаги тумандек тарқалди. Ҳар тун, ҳар оқшом Яхшиликлар хонадонидан алла овози эшитилмади бўлди.

Гулбаҳорнинг турмуш ўртоғи ҳам, Абдулатиф ҳам кун бўйи ишда.

ортидан эргашиб юрган тўнғичининг кўнлига қараш каби юмушларнинг бари-бариси Гулбаҳорнинг зиммасида эди. У нолимади. У ўзгаларга бир оғиз ҳам дардини ёрмади.

Чақалоқлар жилмаядиган бўлиб қолишди. Қуладиган бўлиб қолишди. Эркалашу ширин-шакар сўзлардан қикрилайдиган бўлиб қолишди. Қиш де-

### Инсон ўзинг

ни даврага чорлади. Яхши сўзлар айтди. Айтганда ҳам тўлқинлашиб айтди. Кўзлари ёшланиб айтди. «Сизни тарбиялаган ота-онангизга ҳам, қайнотаю қайнонанигизга ҳам минг раҳмат! Қалбингиз офтоби нафақат Яхшиликлар хонадонига, балки бутун бир маҳаллага нур тартади. Сиз ўзгаларга ибрат бўлдингиз...»

Бу сўзларни айтган одам тугилиб қолди. Бу одам анча довдираб қолди. Уни азгулик шоширди. Уни инсоний туйғулар хунбўшага келтириб юборди. Унинг гапини тўйхонадаги минглаб одамлар қарсақлар билан олқишлаб турдилар. Одамлар қарсақлар билан, кўздаги ёшлар билан Гулбаҳорнинг ҳақиқига ичларида дуолар айтган бўлишса, ажабмас.

Хикомият девяри тугади. Бирок газетон тили учидан турган саволга жавоб бермасак, ноинсофлик бўлади. Кўнлик «Қўш, ҳозирда Раънонинг онаси қайда? Энди она-боланинг тақдир не бўлади?» дея оғиз жуфтлаб турганларини сезамиз. Гулистон шаҳар фуқаролик суди томонидан олти кунлик чақалоқни ота уйига ташлаб кетганлиги, кейинчалик Раънодан бирор марта ҳам хабар олмаганлиги ва бошқа кўрлаб ҳолатлар таҳлил қилиниб, биз юқорида била туриб атай исмини тилга олмаган аёлнинг болани қайтариб олиш ҳақидаги давроси рад этилди. Қарамонларимизнинг тақдирини эса ҳаёт аталмиш поки-поейсиз улғу бир неъматга боғлиқ. Юргимиз: «Уларнинг ҳар бири албатта бахтли бўлади. Уларга иқбол қулиб қоқди», деган ишонч билан ҳамроҳдир.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ.

## ҚАЛБИНГДА ОФТОБ БЎЛСИН!

Аниқроғи, бир оғиз гап билан уларнинг елкасидаги зил-замбил ташвиш тошларини мумдайд эритиб юборди. Унинг юраги тубидан чиққан бу жазмага яқинлари аввал-бошда эътироз ҳам қилгандек бўлишди. «Юрагингга балли, болам! Бирок, ўзининг ҳам бир эмас, уч нафар фарзандинг бор. Устига-устак, учинчи боланг чақалоқ...»

Айтилган гап — отилган ўк. Жувоннинг ниёти қатъий эди. Гулбаҳор турмуш ўртоғи билан Яхшиликлар хонадонига қўчиб келди. Унинг беҳаловат кўнларини тунлари шу тарихга бошланди. Икки ёнида икита бешик. Тунлари бир чақалоқ йиғлаудек бўлса, иккинчиси унга жўровоз бўлади. Баъзилар: «Бу келинчақ чидаса, уч кун чидайди. Нарв бурса, бир ҳафта тишини тишига қўяди. Тўққан онаси ташлаб кетган болани тарбиялаш осонми?» — дея гап-сўз ҳам қилишди.

Рўзгорнинг нимаси кўп, икир-чикири кўп. Куйдир-пишир, ўчоғу тандир, ёшли беморга нинг устига

**Ҳадисдан**  
Ҳеч ким ўз кўли билан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган. Оллоҳнинг пайгамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз кўлларининг меҳнати билан тирикчилик қилганлар



Гул тутган кўнлигдан айланай, болам!..

Ўсимликларнинг рашқчи эканлигига ишонасизми? Наботот олами биокимёси билан шугулланувчи олимпиада Баясованинг аниқлашича, ўсимликлар ўзи «яхши» кўрган кишисини ўзгалардан қизганар экан.



Наҳотки!

## «РАШКИМ ЁМОН...»

Британиянинг таниқли физиолог С.Мейон хонасида ялақок барг — фикус ўсимлигини парваришлаб, кўрақ бир ҳолатда сақлаб келган. Олим бутун умрини илмга бағишлаб, ёши ўтгандан сўнг бир қизга уйланади. Хуллас, фикус ўсимлиги сақланган хонада эр-хотин ҳам яшай бошлайди. Аммо бир-бирини ялаб-юлақаб ширин турмушни бошлаган оилага тўсатдан бегоналик кириб келади. Қисқа вақт ичида келин ўзини ниҳоятда ноҳуш ҳис эта бошлайди. Аёл ҳомилдор бўлгач, жуда оғирлик билан ўтадиган токсикозга учрайди. Тажрибали шифокорларнинг тинимсиз тиббий муолажалари тўғрисида ҳомилани сақлаб қолишга эришилди. Шунда эринг миясига бир фикр келади: «эр-хотин» фикусни хонадан ташқаридаги гуллар оранжериясига чиқариб қўяди. Буни қарангки, хотини шу куннинг ўзидаёқ дардлардан халос бўлади, кайфияти кўтарилди, эр-хотинлик меҳри ошади, соғлом гўдак дунёга келади.

Бундай ғаройиб ҳолатни ўрганган олимлар фикус ўсимлигининг рашқчи эканлигини аниқлаганлар. Уй эгасининг хотинини суйиб эркалаши фикус ёкмаган. Шу тўғрисида ўсимлик хона ҳавосига ўзидан махсус модда чиқариб, аёлнинг ҳаёти, фаолиятига зарарли таъсирини кўрсата бошлаган. Бирок, шуниси ажабланарлики, бу модда С.Мейонга мутлақо таъсир кўрсатмаган. Чунки уни ўсимлик «ёқтирган»-да.

Фикус мушук зотини ҳам ёқтирмас экан. Унга зимдан тегаҳолик қилади, хонадан чиқиб кетишга мажбур этади. Сабаби, мушук эр-хотин қилиб уй эгасининг тиззасига чиқиб олади, ётадиган жойи эгасининг ёнида бўлади-да!

Маннон НАБИЕВ.

### Жаҳон адабиёти

## Имтиҳон

Мен хизматқорман. Айни дамда бекорчилик мендан миннатдор. Чунки журъатсизман, олға қадам ташлаш менинг иш эмас. Бу — иш-сиэлигимнинг бир сабаби, эҳтимол, бунга сабаб деб ўтиришга ҳам ҳожат йўқдир. Умуман олганда, барига баҳона омадсизлигим бўлса керак. Чунки ишлаш иштиёқи менда қанчалар кучли бўлмасин, нуқул бошқалар (мен эмас!) ишини толиб кетаверади.

Мана, ҳозир ҳам тепамади тўрт қиррали ёнч тўсундан иборат шилга термиллашдан бошқа тайинли ишим йўқ. Ухлайман, уйғонаман ва яна ухлайман. Баъзан мен яшаётган уй қар-

шида камтарона қад ростлаб турган арзон ресторанга ҳам қадамранжидан этиб тураман. У ерда арзон пиво сотилади. Жаҳлим чиқса, ҳаётга нафратим олган пайларда пивони ичгим келмай, тўкиб юбораман. Бироз ўтган эса яна ўша пиводан ичишга мажбурман.

Бу ерда ўтириш менга ёқмайди, боиси рестораннинг ёпиқ ойнасида мен ҳеч ким кўрмайди. Ношудлигимни ҳаммадан яшириб ўтириш, айниқса, одамларни хотиржам қузайтиш севимли машғулотим. Бир кун ресторанга келсам,

«қузау» олиб борадиган жойимни кимдир эгаллаб олибди. Жаҳлим чиқса-да, афсуслансам-да, юрак ютиб унга норозили-

### ҲИКОЯ

гимни айтолмадим. Дарҳол чўрт бурилиб чиқиб кетмоқчи эдим, у мени тўтатди. Кейин билсам, у ҳам менга ўшаган хизматкор экан. Қардардир кўрганам аниқ, бирок шу чоққача у билан яқиндан танишгим бўлмаган. — Нега кетяпсан? Утир, ича-

### Франц КАФКА

— Кетма, — деди у, — сен имтиҳондан ўтдинг.  
— Бу нима деганинг?  
— Сени шунчаки синаш учун савол берган эдим. Агар билсанг, бу дунёнинг ўзи бир имтиҳон, унда яшаётган барча ўзини мард деб билади. Унинг саволларига буйинмини роз туйиб жавоб бера олмаган, дейди. Аслида, билмаслигини тан олиш ҳам бир мардлик. Билмай туриб билимдонликка даъво қиладиганлар ўзлари учун изланишлар эзигини ёпиб қўядилар. Шунинг учун ҳам сенга имтиҳондан ўтдинг, деяпман.

### Носиржон ЖўРАЕВИНГ эркин таржимаси.

Она пазандачилик буйича таҳсил олаётган қизидан сўради:  
— Сизларга ўзларингиз пиширган нарсалардан ейишга руҳсат беришадими?  
— Бизини... ейишга мажбур қилишди, — деди қиз кўзларида ёш милтиллаб.  
Н. ҲАМРОЕВ тўғрисида.

### Юнон ҳикматлари

**Дарахтга аёла**  
Дарахтдаги аёлни қўриб, Сукрот деди:  
— О, қани эди ҳамма дархатлар ҳам мана шундай мева берса экан!

### Тасалла

Афлотундан сўрадилар:  
— Бошга қулфат тушадан одам қандай тасалли топади?  
Афлотун жавоб берди:  
— Доно одам «Тақдир шу экан, рўй бериши керак бўлган воқеа рўй берди», деган фикр билан ўзига тасалли беради. Аҳмоқ одам эса «Битта мен эмас, ҳамма шунчака яшайпти-ку», деган гап билан ўзига тасалли беради.  
М. АҲМЕДОВ тўғрисида.

### Биласизми?

Инсон бир кечада нафас олишга сарф қиладиган энергия 500 килограмм оғирликдаги юкни унинг 2-қаватига кўтариб чиқишга етади.



Юракнинг бир йилда сарфлайдиган кўчи 900 килограмм оғирликдаги юкни 14 метр бандликка кўтариш учун етарлидир. 50 шиларга борганда инсон юраги 18 минг тонна оғирликдаги юкни 227 километр бандликка кўтаришга тенг келадиган иш бажаради.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маққамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди.  
Ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тўғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 21.55

МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Навбатчи — Ш. Ортиқов.  
Муассхдах — М. Ёкубова.